

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛНОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fi1.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛНОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРЖАНОВ ПЕРДЕБАЙ ЕРЖАНОВИЧ

ҚОРАҚАЛНОҚ РОМАНИ ПОЭТИКАСИ: СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ
(1970-2000 йиллар)

10.00.12 –Қорақалпоқ адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТАТИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Contents of abstract of the Doktor of Science Dissertation

Нуржанов Пердебай Ержанович

Қорақалпоқ романи поэтикаси. Сюжет ва композиция (1970-2000 йиллар).....5

Нуржанов Пердебай Ержанович

Поэтика каракалпакского романа. Сюжет и композиция (1970-2000 гг).....31

Nurjanov Perdebay Erjanovich

Poetics of the Karakalpak novel. Plot and composition (the 1970-2000 th).....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Жарияланган мийнетлер дизиими

Список опубликованных работ

List of published works66

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. FiL.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРЖАНОВ ПЕРДЕБАЙ ЕРЖАНОВИЧ

ҚОРАҚАЛПОҚ РОМАНИ ПОЭТИКАСИ: СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ
(1970-2000 йиллар)

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТАТИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. DSc/Fil30 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Жаримбетов Курбанбай Кудайназарович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қураμβоев Каримбай**
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори

Этакчи муассаса: **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30. 12.2019. Fil. 20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» июнь кунини соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «16» июнь кунини тарқатилди.
(2020 йил «15» июнь даги 18 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н. Абдиназимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Г.Е. Қарлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.д. (DSc)

Ж.Х. Хошаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б, филол. ф.д., (DSc)

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жорий кунда халқимиз учун буюк неъмат сифатида тухфа қилинган миллий мустақиллик, ҳуқуқий ва демократик жамият тамал тошини қўйиш, миллий мафкура шаклланиши ҳамда барқарорлашуви кескин курашлар натижаси ўларок вужудга келди. Аждодларимиз машаққатли ва мураккаб турмуш тарзи ёш авлод учун ибрат намунасини вазифасини бажаради. Узлуксиз жараён туркий халқлар эрк ва озодлик, демократия ва истиқлол ҳақидаги асрий орзуси ва эзгу мақсадларига пайвандланади. Жорий ҳақиқатни англаш, миллат, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдиришда бадий адабиёт ўрни беқиёс. Шу бондан ҳам сўнгги босқичда сўз санъати мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама соғлом ва навқирон авлодни тарбиялашдаги миссиясига алоҳида ургу берилмоқда. Зеро, «...ёшлар орасида бадий етук, интеллектуал салоҳиятни юксалтиришга, дунёқарашни кенгайтиришга хизмат қиладиган адабий-маърифий адабиётларнинг янги авлодини яратиш»¹ ҳар бир фуқарони жисмонан ва маънан камол топтириш, жамиятнинг ахлоқий мезонларини соғломлаштиришга замин ҳозирлайди. Бадий адабиёт халқ маънавиятини юксалтиришдироман жанри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, XX асрнинг 70-90-йиллари яхлит бадий-эстетик тамойилларнинг наср мундарижасига кириб бориши, давр таракқиёт шиддати халқимиз маънавий ҳаётида янги кайфият, ҳаёт ҳақиқатини идроклаш малакаси юксалишига йўл очади. Айниқса, китобхонлик маданияти шаклланиши ва таракқий топиши муайян масъулият ҳиссини ҳам ҳосил қилади. Негаки, адабиётда йирик жанр сифатида тавсифланадиган романнавислик мактаби давр руҳиятини изчил ва тугал, тўлақонли ва яхлит гавдалантиришга хизмат қилади. Айнан захматкан қорақалпоқ халқи турмуш тарзи, инсон руҳий олами, ҳаёт ҳақиқатини табиий тасвирлашда салмоқли вазифани бажарди. Шу йиллар давомида дастлаб тетапо я бўлиб келаётган наср эндиликда миллий-реалистик адабиётнинг энг илгор, унинг етакчи жабҳасига айланаёзди. Насрийрик жанри роман эса юксалиш йўлидан борди. Жанрнафақат, гоъвий-мавзувий, балки янги жанрий-услубий такомил, шаклий ранг-баранглиги, адабий усулларни қўллашдаги маҳорат нуқтаи назаридан ҳам қабариб кўринади. Мана шундай бадий хусусиятлари билан у сўз юритилаётган давр собиқ Иттифок, ҳатто жаҳон адабий майдонига чиқишга муяссар бўлди. Қаҳрамон ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг

3 китобдан иборат «Қорақалпоқ достони» тарихий трилогиясининг ўзиёқ фикримиз далили бўла олади. Кўп ўтмай бу жабҳага Ш.Сейтовнинг «Халқобод» тетралогияси, К.Мамбетовнинг «Тўзғиган эл» дилогияси ҳам қўшилди. Мустақиллик даврида эса К.Каримовнинг «Ога бий» тетралогиясининг эълон қилиниши ҳам қувонарли ҳодиса бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарбият қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» ги фармойиши// «Халқ сўзи». - Тошкент, 2017 йил, 13 январь.

Давр кесимида янги, охори тўқилмаган, китобхонлар ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган асарлар ҳам яратилди. Миллий наср ислохотчилари Ш.Сейтов, С.Салиев, А.Пахратдинов, К.Мамбетов, С.Бахадирова, О.Абдирахманов, А.Садиқов, К.Рахманов, К.Алламбергенов, С.Исмаилов, А.Абдиевлар романларида янги талкин эпкинлари сезилади. Нодир дурдоналар мазмун жиҳатидангина эмас, балки бадиий ва жанрий-услубий ўзига хосликлари билан ҳам эътиборга молик. Буларнинг барчаси миллий наср поэтик хилма-хиллик ва маҳоратга эришишида муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ўзига хослик айни замондаги романларда ҳам, тарихий мавзудаги романларда ҳам сезиларли даражада қабарик намоён бўлмоқда.

Сўнги даврда ёзувчиларимиз мана шундай сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар ва маънавий янгиланишлар, бутун дунё романчилиги илғор тажрибасини ўрганишга интилиши натижасида келиб чиққан бебаҳо асарлари ўрганилаётган жорий масала моҳиятини янада теранлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги ПҚ-1271-сонли Фармонида, 2017 йил 16 февралдаги ПФ 4958-сонли «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-1271-сонли фармонида ҳамда шу соҳадаги бошқа расмий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иктисодиётни шакллантириш» билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Роман тарихи, назарияси ва поэтикаси бўйича жаҳон етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Indiana, University of Michigan, University Columbia (USA), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Turkiye), Universität Humboldt, Universität Bonn, Universität Frie (Germany), Central Asian Studies Institute, Paris University (France), Cambridge University (Great Britain), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети

²www.tdk.gov; www.shosh.uz; www.orient.spbu.ru; www.ccu.edu; www.u-szeged.hu; www.utexas.edu; www.berkeley.edu; www.northwestern.edu; www.bu.edu; www.ecu.edu.au; www.unice.fr/en; www.u-bordeaux.com; www.lang.ox.ac.uk; www.english.pku.edu.cn; www.sophia.ac.jp/eng; www.u-tokio.ac.jp; www.bsu.az; www.insu.ru; www.bashedu.ru; www.kaznu.kz; www.navoiy-uni.uz.

(Россия Федерацияси), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)даолиб борилган илмий изланишлар салмоқли ахамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида роман жанри шаклланишининг ички ва ташқи омиллари, тараққиёт тамойиллари ва поэтикаси бўйича бой тажриба тўпланган, жумладан, қуйидагинатижаларга эришилган: дастлабки романлар вужудга келиши XIX аср адоги ва XX аср аввалида адабий жараён умумий ривожланиш босқичлари кесимида асосланган (Cambrige University); миллий романнинг пайдо бўлиши, такомилли, одатда, араб, татар, бошқирд ва рус адабиётлари ижодий таъсири билан боғлиқлиги аниқланган (Istanbul Üniversitesi, Central Asian Studies Institute, Parij University, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); XX аср70-йилларига қадар яратилган романлар жанр эволюцияси, мавзуи, ижодий методи, тили, услубий хусусиятлари, ижобий қаҳрамон ва бадий маҳораг масалалари адабий жараён тағмагида далолатланган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); бадий макон ва замон фалсафий манбалари белгиланган ва романда хронотоп муаммоси илмий-назарий тадқиқ этилган (Москва давлат университети, Universität Humboldt, Universität Bonn);

Дунё романинавислигида XX аср охири ва XXI аср романлари поэтикаси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жанр тараққиёти хусусиятларини аниқлаш; роман сюжети қурилиши ва тасвир воситалари тизими моҳиятини концептуал ёндашувлар асосида изохлаш. Бинобарин, жаҳон адабиётшунослигида роман поэтикаси муаммосини адабий жараён контекстида умумлаштириш илмий-назарий эҳтиёж ҳосил қилади. XX-XXI асрлар романшунослиги илмий-назарий тафаккур тажрибаси, адабий-эстетик мактаблар анъаналари, миллий роман поэтикасида маавжуд ижодий концепциялар, ифода услуби, сюжет-композиция, персонажлар тизими, шаклий-услубий тафовитни аниқлашгазамин ҳозирлайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Роман жанри поэтикаси ва эстетикаси тўғрисида Аристотель, Г.Гегель, В.Г.Белинский каби алломалар назарий қарашлари жорий адабиётшунослик пойдеворини қўйишга хизмат қилади. XX аср 50-70 йилларидаА.Н.Веселовский, Ю.В.Лотман, В.Ветловская, М.Бахтин, В.Виноградов, Д.С.Лихачев, Н.Рымарь, А.П.Чудаков,В.Г.Одинокоев, А.Бальбууров, Н.В.Драгомирецкая, Ю.Барабаш, В.Е.Хализев²каби рус олимлари томонидан роман назарияси асослари

²²Веселовский А.П. Историческая поэтика. –М.: Наука, 1989; Лотман Ю.В. В школе поэтического слова: Пушкин, Лермонтов, Гоголь. –М., 1981; Ветловская В. Поэтика романа «Братья Карамазовы». –Ленинград, 1977; Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. –М., 1972, 3-изд. Виноградов В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М., 1963; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. –М., 1967; Рымарь Н. Введение в теорию романа. –Воронеж, 1989; Рымарь Н., Скобелов В.И. Теория и проблема художественной деятельности. –Воронеж, 1994, Чудаков А.П. Поэтика Чехова. –М., 1971; Чудаков А.П. Слово- вещь - мир. От Пушкина до Толстого. Очерки поэтики русских классиков. – М., 1992; Одинокоев В.Г. Проблемы поэтики и типологии русского романа XIX века. Новосибирск, 1971; Бальбууров Э.А. Поэтика лирической прозы (1960-1970-е годы). Новосибирск, 1985; Хализев В.Е. Теория литературы. –М., 1999; Шаталов С.Е. Проблемы

лингвистика ва адабиётшунослик кесимида ишлаб чиқилди, поэтика масалаларига бағишланган тўпламлар нашр этилди³. Жорий кунда истилоҳ негизда бадийлик ва бадий маҳорат каби мезонлар ҳам англашилади. Адабиётшунослик тажрибаси шаклланиш тарзига мувофиқ, поэтика бадий маҳоратга нисбатан кенг ва теран моҳиятни қамрайди. Шунингдек, тушунча адабий жараён асосий жанрий-услубий йўналишлари ва оқимлари, бадий асарнинг ички структураси динамикаси, сюжет-композицион таркиби, зиддиятлар ҳажми, тил маҳоратимуҳим жиҳатларини мужассамлаштиради.

Шунингдек, ўзбек ва козоқ адабиётшунослигига ҳам поэтика масалалари илмий жамоатчилик диққат марказида бўлиб, бу борада муайян илмий ишлар яратилди⁴. Қорақалпоқ адабиётшунослари ҳам шу йўналишда бир қатор салмоқли илмий изланишлар олиб борганлигини ҳам таъкидлаш жоиз⁵.

Бирок жорий тадқиқотларда поэтика муаммолари у ёки бу жиҳатлари таҳлилга тортилган бўлса-да, қорақалпоқ романи поэтикаси махсус тадқиқ қилинмаган. Қолаверса, тадқиқот объекти сифатида танланган асарлар ҳали етарлича баҳосини олмаган. Коммунистик мафкура акс этган илмий адабиётлар баҳолаш ўлчами жорий кунда ўз қийматини йўқотаёзди. Шу нуқта назардан, 1970-90-йиллардаги қорақалпоқ романлари поэтикасини истиқлол даври мафкураси талабларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этиш ҳаётини эҳтиёж ҳосиласи ҳисобланади. Адабиётшуно-олим Қ.Мақсотовнинг бу борадаги махсус илмий асари⁶ қаҳрамонлик дostonлари поэтикасини

поэтики И.С.Турецова. – М.: Просвещение, 1969; Драгомирецкая Н.В. Автор и герой в русской литературе XIX-XX вв. М.: Наука, 1991; Гей П.К. Проза Пушкина. Поэтика повествования. М.: Наука, 1989; Старцева А.М. Поэтика современной советской прозы. – Ташкент: Фан, 1984; Барабаш Ю. Вопросы эстетики и поэтики. – М.: Современник, 1983.

³Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного поэзия. Редактор П.А.Григорьев М., 1994; Ҳозирги адабий жараён: Таҳлил ва таҳлил. Т. 2005.

⁴Атымов М. Қазак романдарининг поэтикаси. – Алма-Ата: Ғилым, 1975; Расулов А. Бадийлик-безақолиқлик. «Шарқ», 2007; Каримов Ҳ. Истиқлол даври насри. Т; Зарқалам, 2007; Пардаева З.Ж. Ҳозирги ўзбек романичилигининг тараккиёт тамойиллари: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. –Тошкент, 2003; Мирвалиев С. Наср, давр ва қаҳрамон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги санъат ва адабиёт нашриёти, 1983; Рахимов Я. Ўзбек романи. Сюжет ва конфликт: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. –Тошкент, 1993; Саримсоқов Б.И. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004; Норматов У. Тафаккур ёдуси-Т. 2005. Каримов Б. Қодирий боғи. –Тошкент, 2003; Йулдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий уйлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006; Адабий турлар ва жанрлар. (Тарихи ва назариясига оид). I-жилд. Эпос. –Тошкент: Фан, 1991; Каримов Ҳ. Ўзбек романиларининг тараккиёт тамойиллари. –Тошкент: А.Навоий номидаги миллий кутубхона нашриёти, 2007; Норматов У. Ижод сехри. Тошкент: Шарқ, 2007.

⁵Нурмухаммедов Н.К. Шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. Т.1; Нарымбетов Ж. Қарақалпақский роман. –Ташкент: Фан, 1974; Бахадирова С. «Китаби Дедем Коркыт», «Қоблан», «Едиге» ҳам ҳазирги эдебиат ҳақиқияда ойлар. –Нөкис: Қарақалпақстан, 1992; Қожықбаев Ә. Қарақалпақ романы (конфликт хэм қаҳарман). –Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Курбанбаева Т. Сюжет и композиция в современной каракалпакской прозе. – Ташкент: Фан, 1991; Нуржанов П. Ҳазирги карақалпақ романи поэтикаси. Н.Билим, 2009.; Орымбетова И. Проблема характера героя в каракалпакском романе 80-х годов.: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. Нукус, 2001; Султанов А. Қарақалпақ прозасында Ш.Айтматовтың поэтикалық дәстүрлери. –Нөкис: Билим, 2007; Бекбергенова З.Қорақалпоқ романирида бадий нутқ поэтикаси (1980-2000 йил) филол. фан. докт. дисс. автореф. Нукус-2016; Алаамбергенов А. Тарихий романларда тарихий ҳақиқат ва бадий таъкиднинг синтези (К.Мамбетовнинг тарихий асарлари мисолида). Филол. фан. номзоди дисс. автореф. Нукус-2012; Бегмуратова Г. Мустақиллик даври қорақалпоқ романирида фольклоризмлар. Филол. фан. буйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф. Нукус-2019; Қаниязова Ж. Ш.Сейтов романирида характер яратин маҳорати. «Халқобдор» романи тетралогияси мисолида» филол. фан буйича фалсафа докт. (PhD) дисс... автореф. Нукус-2017

⁶Мақсотов Қ. Қарақалпақ қаҳрамонлик дастанларининг поэтикаси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1965.

ўрганишга бағишланган бўлса, Ҳ.Ўтемуратованинг⁷ илмий тадқиқоти фақат тарихий романлар поэтикасининг баъзи жиҳатларини – тарихий ҳужжат ва ёзувчи фағзияси, прототип ва образ сингари масалаларни тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тадқиқотчи А.Алламбергеновнинг рисоласида а эса фақатгина К.Мамбетовнинг «Тўзғиган эл» дилогияси таркибидаги «Бошбошдоқлик», «Тўполон» романларида ёзувчининг тарихий воқеаларга, тарихий сиймолар фаолиятига муносабати масаласи ўрганилган.⁸ Шу боис, назаримизда, 1970-90-йиллардаги қорақалпоқ романлари сюжети, конфликтлари ва композицияси ўзига хослигини таҳлиллаш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети истиқбол ИТИ дастурининг «Қорақалпоқ адабиётини тадқиқ қилиш ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари», «Ҳозирги филология фанининг долзарб масалалари» йўналишларида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади сюжет ҳамда конфликт алоқаси ўзига хослиги ва жанрий-композицион яхлитлик намоишини 1970-2000 йиллар қорақалпоқ романчилиги тажрибаси тимсолида тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

Жаҳон ва туркий халқлар адабиётшунослигида роман поэтикасини ўрганиш билан боғлиқ тамойилларни таҳлил қилиш;

1970-2000 йиллар қорақалпоқ романиваслигида адабий тафаккур ва эстетик таомиллар ўзаро муносабатини тавсифлаш;

XX асрнинг 70-90-йилларида қорақалпоқ романчилигида эпик ривоя талрижи, сайёр сюжет ўзига хослиги ва ифода туркумини умумлаштириш;

роман конфликтлари ўзига хослигини аниқлаш мақсадида истилоҳ моҳияти ва вазифадошлигини ёритиш;

мустақиллик даври қорақалпоқ романларидаги композиция шаклланиш тарзи ўзгачалигини далолатлаш;

қорақалпоқ романларида лиро-психологик тасвир тақими ҳамда жанр мукамаллашувида тутган ўрнини белгилаш;

қорақалпоқ романлари поэтикасида психологик тасвир бошқарувини тавсифлаш ҳамда роман ва қаҳрамон концепцияси муносабатни кўрсатиш.

Тадқиқот объектини XX аср иккинчи ярмида қорақалпоқ насли ижодий уфқларини кенгайтиришга интилган Т.Қайипбергеновнинг «Кўз қорачиги», Ш.Сейтовнинг «Тақдир сўқмоқлари», «Халқобод», «Чирокчилар», «Хавфли бурилиш», А.Садиқовнинг «Тошда ҳам гуллайди», К.Мамбетовнинг «Виждон», «Тўзғиган эл» («Бошбошдоқлик», «Тўполон»), «Туркистон», «Бўзатов», О.Абдурахмановнинг «Бўсоға», К.Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар», С.Исмаиловнинг «Юрак галактикаси», А.Абдиевнинг «Субҳидам орафасида» романлари ташкил этади.

⁷Ўтемуратова Ҳ. Қарақалпоқ тарихий романининг поэтикаси. –Нөкис: Қарақалпоқстан, 1997.

⁸ Алламбергенов А. Тарихий романларда тарихий ҳақиқат ва бадий талқиннинг синтези (К.Мамбетовнинг тарихий асарлари мисолида). Филол. фан. номзоди дисс. автореф. Нукус-2012.

Тадқиқотнинг предмети 1970-90-йиллардаги қорақалпоқ романларидаги сюжет, конфликт, композиция муносабати, жанр динамикасидаги лиро-психологик ва психологик тасвир таомиллари бадий вазифасини тадқиқ этиш диссертацион иши предмети ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни шакллантириш жараёнида ўрни-ўрни билан қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадий таҳлил, структурал методларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

1970-2000 йиллар қорақалпоқ романчилиги поэтикаси назарий жиҳатлари тадқиқ этилган;

жорий қорақалпоқ романчилигида сюжетнинг хроникал, ретроспектив, ассоциатив типлари бадий функцияси, қўлланилиш доираси ёритилган;

замонавий қорақалпоқ романида конфликт ва унинг турлари поэтикаси тавсифланган;

мустақиллик босқичи қорақалпоқ романнавиълигида бадий композиция моҳияти, қаҳрамон муҳити шаклланиш тарзи аниқланган;

ҳозирги роман жанри сюжети ва композицияси структурасида диалог, монолог, портрет, пейзаж ва тафсилот бадий вазифаси белгиланган;

1970-2000 йиллар қорақалпоқ романчилигида лирико-психологик ва психологик хусусиятларнинг жанр тақомилидаги ўрни далилланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётшунослигида поэтика тўғрисидаги назарий қарашлар тизимлаштирилди, тасниф қилинди ҳамда қорақалпоқ адабиётшунослигидаги амалий ишланганлик даражаси белгиланди;

1980-2000-йилларда қорақалпоқ романчилигида сюжет жанрий тадрижи, тушунча миқёси ва тағкатламлари вазифадошлиги тадқиқ қилинган;

ҳозирги қорақалпоқ замонавий ва тарихий романларидаги бадий конфликт қўлланилиш доираси ва ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган;

ҳозирги қорақалпоқ романларида композицион изланишлар моҳиятига назар ташланди;

қорақалпоқ романчилигида лиро-психологик ва психологик тасвир миқёсларининг жанр поэтикасидаги тутган ўрни белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, бадий-эстетик ва структурал таҳлилусулларига асосланганлиги, назарий мушоҳада ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 1970-2000 йиллар қорақалпоқ романи поэтикаси, сюжет, конфликт ва композициясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар қорақалпоқ насрини назарий аспектта ўрганиш, ёзувчиларнинг мустақиллик давридаги роман яратиш тажрибасини умумлаштириш билан изоҳланади.

Таджикот натижаларининг амалий аҳамияти қорақалпоқ насри бўйича дарсликлар, қўлланмалар, хрестоматиялар яратишда, олий ўқув юрглари филология факультетлари ва академик лицейларда махсус курслар ташкил этишда, маъруза матнлари тайёрлашда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Таджикот натижаларининг жорий қилиниши. 1970-2000 йиллар қорақалпоқ романи поэтикаси, сюжет ва композициясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

1970-2000 йиллар қорақалпоқ романи поэтикаси тизимига оид маълумотларнинг назарий аспектда тадқиқ этиш билан боғлиқ хулосалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429-рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 12-июньдаги 17.01/58-сонли маълумотномаси). Натижада 1970-2000 йиллари қорақалпоқ романи поэтикасини янгича назарий аспектда тадқиқ қилишга манба сифатида асос бўлган;

ҳозирги қорақалпоқ романида сюжет ва унинг хроникал, ретроспектив, ассоциатив ва ҳақозо типларининг бадий функцияси, уларнинг аҳамияти тадқиқ қилиниши билан боғлиқ хулосалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2015-2017 йиллари бажарилган ФА-А1-Г006-рақамли «Қорақалпоқ халқ кўшиқларини текстологик таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 12-июньдаги 17.01/57 сонли маълумотномаси). Натижада бу хулосалар қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этишга хизмат қилган;

замонавий қорақалпоқ романида конфликт ва унинг турлари жанрий поэтикаси, бадий функцияси билан боғлиқ бўлган хулосалардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Адабий портрет», «Тарихий шахслар», «Халқ дурдонасидан», «Мерос» номли кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 июндаги 01-02/114-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойитилган;

мустақиллик йиллардаги қорақалпоқ романидаги композициянинг аҳамияти, қаҳрамон образини яшашдаги тутган ўрнига боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли мактабларда адабиёт дарсини давр талабига мос ўрганишда фойдаланилган. Жумладан, П.Нуржановнинг қаламига мансуб 2005 ва 2010 йилларда чоп этилган «Адабиёт» (5 синф, дарслик-хрестоматия) китобида номи зикр этилган илмий ишнинг назарий хулосалари амалиётга тадбиқ этилган

(Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 01-01/10-1572 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар дарсликларни сифатли тарзда тайёрлашга имкон берган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёш авлоднинг бадиий адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ва китобхонлик маданиятини ўстиришга хизмат қилган;

хозирги роман жанри сюжет ва композицияси таркибидаги диалог, монолог, портрет, пейзаж ва деталнинг бадиий функциясини тадқиқ қилиш билан боғлиқ хулосалардан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг иктидорли ёшлар билан ўтказилган доимий йиғилишларида, адабиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган ушрачувларда, проза жанрларига оид семинарларда мунгазам равишда фойдаланилиб келинди (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси 2020 йил 5 июндаги 44-сонли маълумотномаси). Натижада ёшларда ёзувчиларнинг романларидаги маҳорати ва бадиий изланишлари ҳақидаги фиклари муҳим амалий омил сифатида қайд қилинган.

1970-2000 йиллар қорақалпоқ романи бадиий таркибида лирик, лиро-психологик ва психологик хусусиятларнинг аҳамиятига боғлиқ хулосалари қорақалпоқ ёзувчиларининг асарлари бўйича кўргазма ва экскурс дарсларини ўтишда ва илмий-назарий анжуманларда маъруза шаклида тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги 2020 йил 5 июндаги 2-04/747-сонли маълумотномаси). Шу хулосалар нағижасида китобхонларда машхур қорақалпоқ ёзувчилари асарларининг ўзига хослиги ва индивидуал услубига оид фикр-мулоҳозаларни шакллантиришга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 37 та илмий ишлар, жумладан, босиб чиқарилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 27 та мақола, шундан 2 монография, 25 мақола республика ва 3 мақола халқаро илмий журналларда, 10 мақола халқаро ва республика конференцияларида чоп этилган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 263 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Тадқиқотнинг I боби «Роман сюжети –поэтик маҳорат асосий мезони» дея номланиб, икки фаслдан иборат. «Тарихий шароит ва сюжет поэтикаси» деб аталадиган дастлабки фаслда Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-эпопеясида сюжет яратиш билан боғлиқ маҳорати таҳлилга тортилади. Дарҳақиқат, роман эпик тур йирик жанри сифатида сюжет кенг миқёси ва тизимлилиги муайян маром, ҳаттоки, бир қанча даврий кесимга чўзилган воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Улардан қайси тарзда ва самарали фойдаланиш ҳар бир ёзувчининдивидуал услуби ва ижодий лабораторияси ўзига хослиги билан ўлчанади.

Роман-эпопея яратишда жаҳон адабиётида муайян тажриба мавжуд. Хусусан, Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», М.Шолоховнинг «Тинч Дон», М.Авезовнинг «Абай йўли», Т.Қайилбергеновнинг «Қорақалпоқ достони», К.Мамбетовнинг «Тўзгиган эл» эпопеялари китобхонлар ва адабий жамоатчилик орасида шуҳрат қозонган. Шу нуқтаи назардан, Ш.Сейтовнинг 1970-80-йилларда яратилган 4 китобдан иборат «Халқобод» роман-эпопеяси фақат қорақалпоқ насади эмас, балки туркий халқлар тарихий солномасида салмоқли ўрин тутди. Унда муаллиф қорақалпоқ халқининг XX асрнинг 20-50-йиллардаги тарихий йўли, бинобарин, турфа ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, сиёсий маслак билан боғлиқ жараёнларга эътибор қаратиши асар қийматини оширади. Ёзувчи қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини тасвирлар экан, фаоллар хатги-ҳаракатида қузатиладган айрим нуқсонлар, онг ва дунёқараш ижтимоийлашуви жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликлар, зиддиятларга қониқ ҳаёт солномаси, жамоа хўжалиги тузиш йўлидаги мураккабликлар, вазиятдан қимлардир усталик билан ўз манфаати йўлида фойдаланиши, худбинлик ва манфаатпарастлик авж олиши, унинг зарарли оқибатлари, эскилик ва янгилик ўртасида вужудга келган кескинлик, II жаҳон урушпалласида амалга оширилган жасорат намунаси тетралогия таркибидаги романлар сюжетига моҳирлик билан сингдирилган. Жорий ҳолат эса романлар туркуми кенг миқёсини таъминлашга хизмат қилади.

«Халқобод» туркумига кирган асарларда учрайдиган Қудайберген шундай, Қунназар оксоқол, Мадияр, Толибай, Избан қароқчи, Базарбай, Айтул каби қаҳрамонлар руҳиятини теран ёритиш сюжет чизиклари кўп

қатламлилиги, танқидий тафаккурга йўғрилганлиги, асосий сюжет марказига маҳорат билан пайвандланганлигида кабариб кўринади.

Ёзувчининг кўп қатламли сюжет яратишдаги маҳорати тафсилотлардан ўринли ва унумли фойдаланиши, уларни асосий сюжетий ўналишига улай олиш воситасида таъсирчанликка эришувида намоён бўлади. Ёзувчи сюжетдаги айрим лавҳалар, деталлар, сахна кўринишларига қисқа муаллиф изоҳларини кўшиш воситасида тасвирда таъсирчанликка эришади ва ифодани ихчамлаштиради. Жумладан, муаллиф эпопея дастлабки китобини Избан кароқчининг ўз шериги Толибайнинг томига зинадан фойдаланмай қандай қилиб ўрмалаб кетаётганини акс эттириб, мушоҳадага эрк беради: «Избасқан ташқи кўринишидан ювош, мусофир, ғариб кимсага ўхшагани билан, унда бошқада йўқ чакқонлик, мерганлик, ёвузлик бор, худди юрак ютган ялмоғиз эди. Уйга ўрмалаш учун фақат бурчак бўлса бўлди, нарвоннинг кераги йўқ, сим қирқиш дегани шундан келган бало эканлигини оддий фуқаро у ёқда турсин, ГПУ дагилар ўйлайдими?!»⁹.

Мана шундай муаллиф аралашуви воситасида адиб китобхонда сюжет воқелигига қизиқишни янги поғонага кўтаради. Баъзан муаллиф киритмалари тасвир миқёсини кенгайтириш баробарида ривоя техникасини ҳам тартибга солади.

Роман-эпопея яратиш бўйича жаҳон адабиёти тарихида етарлича тажриба тўпланган. Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», М.Полоховнинг «Тинч Дон», М.Авезовнинг «Абай йули», Т.Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони», К.Мамбетовнинг «Тўзгиган эл» роман-эпопеялари аллақачон ўз ихлосмандларини топиб улгурган. Ш.Сейтовнинг «Халқобод» роман-эпопеяси, бир томондан, плурал муносабатлар ҳосил бўлиши, иккинчи томондан, адабиётшунослик ва адабий танқид жонланишига замин ҳозирлади. Адабий танқидда мунозара кучайиши, мушоҳадалар чоррахасида муносабатлар хилма-хиллиги шу жиҳатларга боғланади. Аммо муаззам асар поэтикаси махсус монографик планда жиддий ўрганилмаган. Роман-эпопея таҳлил объектига тортилиши ана шу ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқади.

Бобнинг иккинчи фасли "Қорақалпоқ романларида сюжет таркибий қисмларининг ўзига хослиги" деб номланиб, унда 1970-90 йилларда вужудга келган давр манзараси тасвири ранг-баранглашуви қорақалпоқ романларида сюжет яратиш йўлида жиддий муваффақиятга эришганлигини далолатлайди. Жумладан, ҳаёт ҳақиқатига ҳамоҳанг ходисот тасвири, долзарб муаммолар роман бадийи хужайраларига сингдирилиши, сюжет тафовути тадқиқотда далолатланади. Шунингдек, шу йиллар ичида Ш.Сейтовнинг "Хавфли бурилиш", А.Садиковнинг "Тошда ҳам гуллайди", К.Раҳмановнинг "Оқибат", К.Алламбергеновнинг "Дарё тортилган йиллар", А.Абдиевнинг "Субҳидам арафасида" романларида сюжет ва композиция яратиш янги тажрибаси кўзга ташланади. Жорий намуналарда аввал учрамаган нафис ифода - сахна асарларига хос тасвир руҳияти устуворлиги, давр салбий асоратларига эътибор қаратилиши, сюжет учун материал тигизлиги, конфликтни драматизм

⁹Сейтов Ш. Халқабод. –Ноҳис: Қарақалпоқистан, 1977. 1-китоб. С.4.

белгиланиши, трагизм авж пуққага кўтарилиши, юмор ва комедия унсурларининг сюжет йўналишида бадиий-эстетик вазифа бажарилиши, диалог ва ички монолог муносабати, хат, туш, кўриш, галлюцинация каби бадиий-психологик тасвир усуллари романлар поэтикасида мустақиллашуви ва баъзан сюжет-композицион яхлитлик ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади. Албатта, давр зиддиятларга бой ва салбий иллатлар кенг тарқалган шароитда романасосий сюжет чизигида қарама-қаршилик, хатто жинойи тус оладиган ва детектив мавзу салмоғи анча ошди. Жорий ҳолатни ифодалаш орқали адиблар ҳақиқатни айтиш қулай жиҳатларини излаб, бир-бирига нисбатан дахлсиз ва мустақил бадиий концепцияларни илгари суришди.

Шундай сюжет йўналишлари, айниқса, Т.Қайипбергеновнинг «Кўзнинг қорачиғи», Ш.Сейтовнинг "Хавfli бурилиш", К.Раҳмановнинг «Оқибат», А.Садиковнинг «Тошда ҳам гуллайди», К.Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар», А.Абдиевнинг "Субҳидам арафасида" романларида давр руҳияти танқидий тафаккур силсиласида қайта баҳоланди. Ижодий позиция барқарорлашувини давр романчилиги муваффақияти сифатида талқин қилиш мумкин. Ҳақиқат ва ошқоралик жорий давр асосий мавзуси даражасига кўтарилди. Шундай асарлардан бири "Хавfli бурилиш" романи ишда батафсил таҳлилланган, сюжет специфик хусусиятлари аниқланган, поэтик мундарижаси ўзгачалигига ургу берилган.

Тоталитар жамият қулаши арафасида вужудга келган ҳодисалар таҳлили роман бадиий воқелигига асос қилиб олинган. Ёзувчи жуда қизиқарли, ўзига тортадиган, ўқувчиларни хайратга соладиган тафсилотларни тасвирлашга мойил, муаллиф қайта қуриш ва демократик жамиятга ўтиш палласида вужудга келган воқеалар билан Амударёга боғлиқ ҳодисаларни мувоzanатда тасвирлайди. Хусусан, дарё ва аҳоли ҳаётида мавжуд хатти-ҳаракатларни муқоясада ифодалаш бадиий концепция мантикий тараққиётини таъминлайди. Ақтубадаги ифлослик ташландиқларни тасвирлаб кетиши билан жамоатчилик турмушидаги янгилиниш, тозаланиш ва покланиш изчиллиги йўналишида берилиши асартеран мушоҳадакорлиги, кенг эпик сюжет орқали ўқувчиларга чуқур ўйга толдиришга қодирлигини англатади.

"Хавfli бурилиш" романида сюжет деталлари, айрим йирик сиёсий тўнтаришлар кўпинча мулоқотга йўналтирилиб, қисқартирилиб, ихчамлаштирилиб, асосий сюжет чизигига сингдириб юборилган. Шу ўринда ёзувчи бир пайтда бир нечта жиҳатни бирлаштирганлигини кузатишимиз мумкин: биринчидан, илова сюжет йўналишларини қисқартиради, ихчамлик ва ва аниқликка эришувига имкон берса, иккинчидан, сюжет деталлари роман умуман бир бутун сюжет-композиция асосига қурилганлигини таъминлайди. Учинчидан, адабий қаҳрамонлар жамият ривожланиши айрим босқичларида йирик ҳодисалар, давлат сиёсати устувор йўналишларига дахлдорлиги, ҳаракати билан ички эмоционал ҳолатида қўшиб етказишга – қаҳрамон психологизми ойдинлашуви, теранлашувига эришган. Кўрсатиб ўтилган жиҳатлар роман поэтик салоҳиятини тавсифлайди. Иш биринчи боб 2-фаслида шу йўналишдаги масалаларга эътибор қаратилади.

Бобнинг 3-фасли «Қорақалпоқ романида фантастик сюжет ўзига хослиги» дея аталиб, унда А.Халмуратовнинг «Жаннат боғи», С.Исмаиловнинг «Юрак галактикаси» романлари сюжет-композицион яхлитлиги хусусида сўз боради. А.Халмуратовнинг 3 китобдан иборат трилогияси фақат дастлабки намунаси тақдим этилганлиги туфайли диссертацияда С.Исмаилов романи таҳлилга тортилди.

Тадқиқотда ёзилишича, охириги йилларда қорақалпоқ насрида А.Халмуратов, С.Исмаилов, А.Реймов, М.Низанов каби ёзувчиларнинг фантастик сюжетни яратиш жараёнида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Жорий ижодкорлар адабий талқинда мавзу ва проблематикани тубдан янгилашди. Шу нуқтаи назардан, С.Исмаилов ижоди эътиборга молик. Унинг «Юрак галактикаси» романида асосан илмий-фантастик воқелик ва қаҳрамонлар ғайритабиий ҳаракати сюжет чизиқларини тайин этади. Муаммо ғоявий-эстетик моҳияти ҳаёт ҳақиқати ва бадий тўқимани уйғунлаштиради, поэтик тадқиқ этиш даражасини янги босқичга кўтаради.

Романда қорақалпоқ йигити Баҳодирнинг Москва шаҳридаги космонавтлар тайёрлайдиган курсини тамомлаб, Тамара исмли космонавт қиз билан турмуш қуради, кейинчалик уларнинг Ер сайёрасини тарқ этиб, бошқа бир нечта сайёраларга сафар қилиши тасвирланган. Романдаги сюжетлар изчиллиги ижтимоий, рухий, маънавий масалаларни қамрайди. Асарда тасвирланишича, Баҳодир билан Тамаранинг бошқа бир оламга саёҳати даврида тугилган Собир исмли фарзанди вояга етиб, Ерга қайтиши, маълум муддат у ҳам космик кемаларда бошқа сайёраларга сафар қилиши каби воқеалар мобайнида давр турли ижтимоий муаммоларини ўзида жамлашга интилади. Жорий ҳолат воситасида асар замонавийлиги билан гуманистик жиҳатларини оширишга эришилади. Қолаверса, бу роман сюжети мураккаб ва чигал характерга эга эканлигини англатади. Айниқса, асар иккинчи бўлими - Собирга боғлиқ сюжет линияси М.Низановнинг "Етти хил юртга саёҳат" номли кинесасидаги фабулааро типологик алоқа кузатилади. Икки матн воқелиги таъсир доираси, манзара кўринишлари кўплиги, муаллифларнинг ғоявий-эстетик мақсадларини очишга хизмат қилади.

Романдаги сюжет линияси оддий турмуш тарзига ҳамоҳанг, уларнинг келажакда амалга ошириши эҳтимоли борлиги, объективлиги, билимга асосланганлиги эътиборни тортади. Шу боис, илмий-фантастик талқинда бундай хусусиятларни тадқиқотчи оддий қабул қилади деб умид қиламиз¹⁰.

Дарҳақиқат, "Юрак галактикаси" сюжетидаги воқеаларга қорақалпоқ йигити Баҳодирнинг бош қаҳрамон этиб танланиши, Тамара билан Баҳодирнинг фалокатга учраган космик кемасидаги қорақалпоқ йигити Обидни учратиши, улардан кейинги авлод вакили бўлган Собирнинг ҳам бошқа олам тилсимлари ва унда яшовчилар билан танишиб, ўша жойдаги кўплаб муаммоларни Ергаги долзарб муаммолар билан солиштириши

¹⁰Гангули С. Научно-художественная фантастика И.Ефремова: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –Москва, 1988, Мукасова А.М. Қыргыз эдебиятындагы илимий-фантастикалык жанр.: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Бишкек, 2004 ҳәм т.б.

Ўқувчини ўйга толдиради, муайян хулоса чиқаришга туртки беради. Жорий хусусият ёзувчи идеали, гоёвий-эстетик ва бадий концепцияси билан бевосита боғлиқ кечади. Романдаги фантастик сюжет тадрижда энг мухим хусусиятлар бири, характер такомлида туртки вазифасини бажарадиган асос ва қўшимча сюжет линиялари бошқа романлардаги каби ўқувчини зериктирадиган хронологик изчилликда эмас, балки субъектив-психологик принципга асосланган воқеа гоҳ олдинга, гоҳ кейинга сурилади. Баъзан бу воқеалар рўй бераётгандек тасвирланиш ҳолатлари асарнинг янги сюжет йўналишини - поэтик характерини белгилайди. Унда аниқ пайтни муаллиф тафсилоти билан бирга қаҳрамонлар хотираси – ёдга олиши, мулоқоти, муайян бир персонажлар баёнини бошқа бир персонаж сўзлаб бериши (Маҳмуднинг ҳикояси - унинг ўғли Каримнинг Баҳодирга сўзлаб бериши), видеотасмалар билан магнит ленталардаги овоз ёзувлари, мактублар ва кундалик журнал шаклидаги изоҳлаш шакллари, эпизод характердаги воқеалар берилиши - буларнинг барчаси жамланиб роман сюжетининг бироз қоришиқ ҳамда мураккаб тизимга айланишини амалий далолатлайди.

Роман иккинчи боби сюжетига аксар тафсилотлар, бир қарашда, ўқувчига муболаға бўлиб туюлади. Жумладан, илк қорақалпоқ космонавтлари Баҳодир билан Тамаранинг боласи Собир учар ликопча орқали балиқ, илон, шайтон, фаришталарнинг планеталарига саёҳат қилиши ва овқат бўйича изчил дастурда изоҳланганлиги ўқувчида шундай тушунча қолдириши мумкин. Аслида, бундай саёҳат сюжетлар ва уларнинг семантик хоссалари, тадқиқотчилар кўрсатишича, фантастик жанрда қонуний ва табиий ҳисобланади. Буни бошқа халқлар адабиётида илмий-фантастик асарларни ўрганувчилар ҳам таъкидлагани диққатга сазовор. Шунингдек, бу каби фантастик асарлардаги қаҳрамонларнинг ҳайвонот олами билан узвий боғланганлиги, уларнинг кўпчилигининг исмлари ҳайвонларнинг номлари билан аталиши умумий фантастик адабиётларга хос характерли белгиларидан бири эканлигини ўзбек тадқиқотчиси Р.Иброҳимова кўрсатиб ўтган¹¹.

Тадқиқотда яна бир мухим масалалардан бири “Юрак галактикаси” романи сюжетига диалогларга ёзувчи тарафидан ўзгача гоёвий-эстетик ва поэтик вазифа юкланганини ҳисобланади. Илмий ишда бу масала кенг таҳлилланиб, матнлар ёрдамида далилланган. Масалан, ёзувчи диалогларга теран маъно юклай туриб, бошқа палаталарнинг Баҳодир билан ўзаро хангомаларига катта гуманистик, ахлоқ ва ички кечинмалар, руҳий зўриқишлар шаклантиришга қаратилади. Улар тадқиқот иши тўлиқ матнида жуда кўп мисоллар билан кўрсатилган ва буларнинг ҳозирги жаҳон адабиётидаги диалогик кўриниш ривожланиб бораётганлиги ҳақидаги адабиётшуносларнинг айтган фикрлари билан боғланиб кетади. Шунингдек, ҳолатлар қорақалпоқ романларида ҳам шу диалогик усуллар моҳирона қўлланилади ва уларга алоҳида бадий-поэтик вазифалар юклатилади.

Тадқиқотнинг II боби “Қорақалпоқ романларида конфликтларнинг қўлланилиш ўзига хослиги” деб номланиб, унинг биринчи бўлими

¹¹ Иброҳимова Р. Ўзбек фантастикасининг илк намуналари. Тошкент: Ўзбекистон, 1982. -13 б.

“Қорақалпоқ романларида конфликт ва поэтик маҳорат” деб аталади. Бунда XX асрнинг 70-90-йиллардаги қорақалпоқ романларида замон ҳақиқатларни очиб беришда адабий конфликтлардан усталик билан фойдаланган ёзувчилардан Т.Қайипбергановнинг “Кўзнинг қорачиги”, О.Обдирахмановнинг “Бўсоғи”, А.Абдиевнинг “Субҳидам орафасида” романлари муҳокамага олинади.

Конфликтларнинг янгилиги ва ўткирлиги маълум бир даврларга, шу замонлар келтириб чиқараётган қарама-қаршиликларга боғлиқ эканлиги адабиётшунослар томонидан белгилаб кўрсатилган¹². Шунинг учун ҳам Т.Қайипберганов, О.Абдирахманов ва А.Абдиевларнинг романларидаги адабий конфликтларнинг тоталитар жамият давридаги воқеаларга қурилиши, уларда адиб билан адабий қаҳрамонларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ёрқин кўзга ташланиб туриши ва унинг шу асарларнинг поэтик маҳорат билан алоқадор эканлигини илмий ишмиз давомида исботлашга ҳаракат қилдик.

Т.Қайипбергановнинг “Кўзнинг қорачиги” романида асарда тасвирланган давр хўжалигидаги иллатлар, қарама-қаршиликлар адабий конфликтларга асос қилиб олинди, шунга боғлиқ ҳозир бутун дунёнинг ларзага келтираётган сув танқислиги, бизни ўраб турган табиат, Орол, Аму офатлари, халқ хўжалигидаги исрофгарчилик ва кўзбўямачилик ва бошқа масалаларга боғлиқ ҳодисалар бетакрор бадиий ифодалар билан тасвирланган. Бунинг устига бу масалалар атрофида адиб билан адабий қаҳрамонларнинг гуманизм, виждон, ор-номус, иймон-инсоф ва бошқа инсоний фазилатлар ҳақидаги фикрлари асарнинг замонавийлик аҳамиятини орттиришга хизмат қиламоқда.

Роман адабий конфликтда бир халқ хўжалигига янги бошчи бўлиб келаётган Жақсилиқ Давлетов билан аввал шу лавозимда иш юритаётган Эржан Сержанов орасидаги муаммоли вазиятлар асос қилиб олинади ва охирида бутун эл-халқ тақдирига, пахтачиликка, сувга, Оролга, Амударёга, ор-номус билан виждонга тегишли кўплаб қарама-қаршиликлар асарларга тортилган. Ёзувчи воқеаларнинг ривожланишидаги конфликтларни фақат ташқаридан тасвирлаб, тасвир воситалари, ёзувчи маълумотлар бериш билангина чекланиб қолмай, уларни қаҳрамонларнинг ички кечинмаларига, унга туртки бўладиган қарама-қаршиликли орзу – мақсадларига боғлиқ равишда ривожлантириб боради, яъни ёзувчи қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари динамикасига эътиборни қаратади. Масалан, ёзувчи роман сюжети Жақсилиқ Давлатининг янги хўжаликка директор бўлиб сайланишидан бошлансада, охирида тасвирнинг ретроспектив усулидан фойдаланиш орқали ёзувчи унинг Эржан Сержанов билан дастлабки учрашув ҳақида айтишга имкон топади. Демак ёзувчи сюжетлик воқеаларнинг ривожланишини орқага суриб тасвирлашни ҳам мохирлик билан фойдаланади. Асарнинг бир бутун сюжетлик-конфликтлик ривожланишида бу усул марказий ўринга чиқиб, салмоқли поэтик функция бажаради. Бу усул Жақсилиқ Давлетовнинг Бурҳон

¹² Ковский В.Е. Обновление системы художественных конфликтов. – В.Е.Ковский. Литературный процесс 60-70-х годов. – Москва: Наука, 1983, С. 203-248; Сулганов Х. Динамика жанра. Особенное и общее в опыте современного романа. – Москва: Наука, 1989, -152 с.

бобони дастлабки учаратишини, олима қиз Шарифа билан бўлган ҳодисаларни эсига туширишда, Эржан Сержановнинг ўз умр йўлини эсга олишда ҳам унумли фойдаланган.

Романдаги Жақсилиқ Давлетов билан Эржон Сержонов, Нуржан қария билан Эржан, Жақсилиқ билан унинг аёли Светлана, Светлана билан Эржаннинг аёли Фаарида, Ж.Давлетов билан Эржан Сержановнинг тарафдорлари ҳам бошқаларнинг ораларида конфликтлар ўзига хос поэтик функция бажарган.

Асар қаҳрамонлари Жақсилиқ Давлетов билан эржон Сержоновларнинг кенгайтирилган ички монологлари романдаги конфликтларнинг янада кескин тус олишига хизмат этади. Ёзувчи булар орқали фақатгина воқеаларнинг боришидаги қарама-қаршилиқларнигина эмас, балки қаҳрамонларнинг ички хис-туйғулари динамикасидаги конфликтларни, кескин драматизмни очиб беришга ҳам эришган. Шу боис ҳам роман персонажлари ўқувчи кўз ўнгида табиий ва ишонарли тасвирланади.

Мохилона ясалган конфликтлар Ў. Абдурахмановнинг “Бўсоға” романида ҳам ёрқин кўринади. Унда халқимиз турмушининг XX асрнинг 50-йилларининг иккинчи ярми ва 60 йилларидаги салбий иллатлар – инсонларни ноҳақдан айблаш ва жазолаш, айрим бюрократ раҳбарларнинг била туриб рухий эзилишга йўл қўйиши, пахтачилик хўжалиқларининг нотўғри бошқарилиши, айрим раҳбарларнинг амалпарастлиги, давлат мулкани талон-тарож қилиш каби ҳолатлар қатта маҳорат билан очиб берилган.

“Бўсаға” романи муаллифи ҳар хил характердаги инсонлар Тўребай, Назар, Гулжан, Ниятбай табиб, Асан, Мугтилла, Султан ва бошқаларнинг характерларини бир-бири билан тигиз боғлаган ҳолда, улар орқали ҳақиқий умр динамикасини гавдалантирган. Айниқса, Назарнинг характери билан психологиясидаги қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиши, шунингдек унинг рухий жиҳатдан покланиши йўлидаги конфликтларнинг романда мохилона тасвирига гувоҳ бўламиз.

Мустақиллик даври қорақалпоқ прозасида алоҳида ўрни бор ёзувчи А.Абдиевнинг ““Субҳидам орафасида” билан Ў.Абдурахмановнинг биз таҳлил қилган асари орасида конфликтларнинг кескинлиги, таълаб олинган ҳаётий ҳодисаларнинг ишочилиги, муаллифнинг даврни тасвирлачи орасида ўхшашликни сезиш мумкин. Ў.Абдурахманов 1950-70- йиллардаги воқеаларни роман сюжетига асос қилиб олса, А.Абдиев қотоғон йилларидаги инсоннинг ноҳақдан айбланиши, азобланиши ва эркидан айрилиб жазоланиши, ўз тенгдошлари билан ҳақиқат учун курашда ожизлиги, мактаб турмушидаги, савдо – сотиқ соҳасидаги бебошлиқлар, сиёсий-иқтисодий соҳадаги салбий ҳодисалар, шунинг натижасида келиб чиққан рухий, ахлоқий бузилишлар, ҳаттоки оила деган муқаддас нарсага доғ тушиши, шуларнинг оқибатида айрим виждони тоза инсонларнинг ақли заиф бўлиб кетиши, беғуноҳ норасидаларнинг тирик етим бўлиб қолиши муаллиф томонидан усталик билан очиб берилган. Ў.Абдурахмановнинг “Бўсоға” романида юқорида айтиб ўтилган салбий иллатларнинг ҳаққоний тасвирланиши ўша

йиллари адабиётда ҳукм сураётган социалистлик реализмнинг талабларига мос келмаганлиги сабабли айрим танқидчилар томонидан қаттиқ танқид қилинган эди.¹³

Умуман олганда, А.Абдиевнинг "Субҳидам орафасида" романида тасвирланган турмуш воқеаларининг ишончлилиги билан ўткирлигини очик равишда таминлашга хизмат қиладиган адабий конфликтларнинг салмоғи жуда катта. Улар қаҳрамонларнинг оғзаки гаплари билан ёдга туширишларига, диалог ва ички монологларнинг активлигига, портрет усуллариининг унумли фойдаланилишига сабабчи болган. Айниқса, романда Сайимбет исмли йигитнинг ички рухий ҳолатини тасвирлаш асар драматизмини кучайтириб, ундаги воқеаларнинг ишончли, жуда тасирли очилишини таъминлаган. Улар тадқиқот ишида қўлаб далиллар билан тадқиқ қилинган.

II бобнинг иккинчи фасли «**Тарихий романларда конфликт ва унинг бадий вазифаси**» деб аталади. Бу бўлимда биз асосан К.Мамбетовнинг «Тўзғиган эл» романининг дастлабки китобларидаги («Бошбошдоқлик», «Тўполон») Юсуф султон билан Исмойил султонларнинг ва унинг қўл остидагиларининг тахт учун курашини, сўнгра ноғайлиларнинг руслар билан бўлган муносабатларидан келиб чиққан кескин, ўткир адабий конфликтларни тадқиқ қилишни илмий ишнинг марказига айлантирдик. Роман муаллифи К.Мамбетов адабиёт тарихининг этук устаси¹⁴ ва қорақалпоқлар тарихи бўйича ҳам бир қанча ишларнинг муаллифи бўлганлигидан¹⁵, тасвирланаётган даврдаги тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантиришга катта адабий-илмий ва бадий тажриба билан киришган. Бунинг устига у атоқли тарихчи олимлар В.Д.Греков, А.Ю.Якубовский, А.Левшин, Н.И.Веселовский, В.Андрианов, Т.А.Жданко, фолклорист В.Жирмунский ва яна бошқаларнинг ишларидаги маълумотларга суянган ҳолда бу тарихий мавзуга қўл ургани сезилади. Ҳақиқатан ҳам, тарих илмининг кўрсатишича, бу даврларда ака-ука туғишганларнинг бир-бири билан ёвлашиши тарихда кескин бурилишларга олиб келган, катта-катта ағдарилишларга сабабчи бўлган. Шулар қаторида ёзувчининг «Тўзғиган эл» романининг дастлабки китобининг асосий тугинида турган икки туғишган одамлар Юсуф ва Исмойил султонлар орасидаги қарама-қаршилик фақатгина қариндошларнинг ўзлари учун эмас, балки, бутун Ноғай элатига катта офатлар олиб келди.¹⁶ Шунинг учун ҳам роман Исмойил султон билан акаси Юсуф султон орасидаги қарама-қаршиликлар билан бошланади. Сўнгра романда тарихий символар Исмойил султон. Юсуф султон, Суйинбике, Тинахмедларнинг образининг ясалишида, характерларининг оширилишида адабиёт конфликтлар муҳим ўрин эгаллайди.

¹³ Камалов Қ.Шийкилик кимде жок// «Эмиўдэрья», 1988, №9: Алламбергенов К. Эдебий тартысты кургак шаўкымга айландырмайык// «Совет Қарақалпақстаны», 1988, 10-октябрь

¹⁴ Мамбетов К. Қадимги қорақалпоқ адабиети. –Нукус. Қарақалпақстан, 1975. Эрта даврдаги қорақалпоқ адабиети. –Нукус: Қарақалпақстан, 1992.

¹⁵ Мамбетов К. Қорақалпоқлар шажараси. Нукус. Қарақалпақстан, 1996; Шу муаллиф Қорақалпоқларнинг этнографик тарихи. Нукус. Қарақалпақстан, 1998 ва б.

¹⁶ Жирмунский В. Тюркский героический эпос. Москва, 1970

«Тўзгиган эл»нинг биринчи китобининг охирида Исмоил султон ковургасидаги оғит жароҳати сабабли оламдан ўтади. Вафоти олдида Тинахметни ага султон, Орисбекни тете султон этиб белгилайди. Энди янада ушбу тахтга тегишли қарама-қаршиликлар, курашлар бошланади. Бу китобда ҳам адабий конфликтнинг бадиий турда ясалганлиги унинг китобхонларга таъсир кучининг ортишига хизмат қилади. Романдаги қарама-қаршиликларнинг сабабчиси аслида Орисбек султон эди. У туғишгани Тинахметни отиб ўлдирди. Натижада Орисбек ага султон бўлиб сайланади, юрт катта қийинчиликка тушади, очлик кучаяди. Юрт эса бу вақтларда бутунлай озиб-тўзиб, ҳаттоки, уруг-уруғларга бўлиниб, ҳар ёққа тарқаб кетади. Қорақалпоқларнинг омон қолган оз сондаги гуруҳи Тоғаймурот бошчилигида ота юрти Туркистонга кўчиб бошлайди. Халқ йўлда қолмоқлар томонида аёвсиз қиргинга учрайди. Ёзувчи мана шундай маҳорат билан уруш картиналарини, жадаллашган кураш кўринишларини катта поэтик топкирлик билан, кўркам деталларни фойдаланиш орқали тасвирлашга эришган. Буларнинг барчаси сюжетдаги трагедик қарама-қаршиликларни борича жонлантиришга қаратилганлиги сабабли улар улкан поэтик вазифа бажарган. Айниқса романда кураш жараёнидаги ага султон ва қатордаги жангчиларнинг ҳаракат ва қозғолонлари ўткир қарама-қаршиликлар контекстида аниқ тасирланиши, адабий қаҳрамонларнинг контрастлик мазмундаги диалоглари асардаги драматизмни янада кучайтиришга имконият яратган. Шунинг учун ҳам бази олимлар сўнгги йиллардаги бадиий-реалистик насрда драматик сифатларнинг кучайиши ва жанрларнинг ўзаро синтези тўғрисидаги фикрлари айтилмоқда. Шундай қарашлардан А.Б. Чичерин ва Т.Мотылева диалогларнинг аҳамиятини юқори баҳолаган¹⁷.

К.Мамбетовнинг «Бўзатов» романида XIX асрда қороқалпоқ халқининг бошидан ўткан Қўнғирот ва Бозатов қозғолонларига доир қарама-қаршиликлар адабий конфликтга асос бўлган.

Романнинг асосий конфликти хон мансаблари эгалари билан оддий фуқаро халқ орасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқиб, кам-камдан улғайиб бориб, бора-бора Қўнғирот ҳокимлиги билан Хива хонлиги, туркман босқинчилари билан оддий фуқаро халқорасидаги катта қарама-қаршиликка айланади. Тарихий ҳақиқат нуқтай назаридан Қўнғирот хонлигига тегишли юқоридаги айтилган ходисаларнинг романда тасвирланиши умуман олганда ҳақиқатга тўғри келади. Ёзувчи сюжетни бундан олдин ривожлантиришда адабиётшунос олим К.Байниязовнинг айтганидек¹⁸, айниқса, Ажиниёз шоирга тегишли воқеаларни тасвирлашда камчиликларга йўл қўйган. Романда автор фантазияси маҳсули бўлган адабий персонажларга боғлиқ конфликтларни яшашда схематизм кўзга ташланади. Ёзувчининг польковник Джеймстин Қўна-Урганчга самолёт билан келиб қонишини тасвирлашга боғлиқ воқеалар ҳақида ҳам шу фикрни айтишга бўлади. Бунинг ташқари Ёзувчининг Түркман хони

¹⁷ Чичерин А.П. Идея и стиль. –М.: С.П., 1968. С.201; Мотылева Т. Зарубежный роман сегодня. –М.: С.П., 1966. -246-274 с.

¹⁸ Байниязов Қ. Оқинияз шайыр ҳаққида халықпың ағыз-әңгимелери // Омиўдарья. Ноқис, 1993. -№1.-90 б.

Атамуратнинг Джеймс билан суҳбат чоғини тасвирлаши тарихий ҳақиқатга хос эмас бўлиб, у муаллифнинг ўтмишимизга боғлиқ воқеаларни гавдалантиришида тўғрлик ва ҳақиқатликнинг етишмаслигидан далолат беради.

Романда Бўзатов кўзголови вақтида Хива лашкарларининг қальани эгаллаб олиншини тасвирлаш бироз мувафакятсиз ва ишонарсиз кўринади. Масалан, туркман йигити Байрам билан қорақалпоқ кизи Қурбангулнинг нигоҳ тўйини ўтказиб чарчаганлиги сабабли бутун халқнинг уйқига ётиши, шу пайтдан фойдаланиб сотқинларнинг дарвозони очиб бериши сабабли тонг чоғи қалага Хива лашкарининг бостириб кириши ўқувчини унчалик ишонтирмайди. Бизнинг ўйимизча, сюжет ва конфликтнинг чошилини ва ишонарсиз тарзда тасвирланишлари «Бўзатов»нинг К.Мамбетов ижодидаги энг биринчи тарихий роман бўлганлигидан, муаллифнинг конфликтларни даврга мос равишда яратиш тажрибасининг етишмаслигидан далолат беради.

Тадкикотнинг **III боби «Қорақалпоқ романиларининг композицион хусусиятлари»** деб номланиб, унинг биринчи фасли **«Ҳозирги романиларнинг композицион ўзига хослиги»** деб аталади. Бунда асосан К.Мамбетовнинг «Виждон» романининг поэтик тузилишининг ўзига хослиги очиб берилди. Диссертант бу асарнинг композициясини Ш.Айтматовнинг «Асрга тагиғулик кун», Н.Думбадзенинг «Мангулик конуни», Ў.Ҳошимовнинг «Нур бор жойда соя бор», Т.Қайыпбергеновнинг «Танхо ўзинга маълум сир», Ш.Сейтовнинг «Чирокчилар» («Умрнинг бир оқшоми ҳақида роман») номли асарлари билан қиёсий-типологик усулда тадқик қилган.

К.Мамбетов «Виждон» романида бетакрор композицияни танлаган. Муаллиф воқеаларни тўғридан-тўғри баён этишдан бош тортиб, персонажларни шифохонага тушганларнинг орасидан танлайди ва ўларнинг ўз сўзлари ёрдами билан виждон масаласини ўртага ташлайди. Кичкина бир бадий маконда – шифохона бўлмасида даврнинг катта-катта масалалари кўйилади. Бундек композиция қорақалпоқ романида аввал бўлмаган эди. Шу сабабли қаҳромонлар ўзларининг характери ўзлари очади. Бунда К.Мамбетовнинг грузин ёзувчиси Н.Думбадзенинг ва Ө.Ҳашимовнинг бадий тажрибасидан ўргангани сезилади. Натижада бу романда сюжет ва композицияни тузишда субъектив-психологик принцип асосий ўринга чиққан. Буларнинг барчаси шу романиларнинг форма билан мазмунининг бойишига, қаҳрамонлар образларининг кенг очиб берилишига хизмат қилган. Натижада улар салмоқли поэтик, бадий-психологик вазифа бажарган. Сюжет билан композициянинг субъектив-психологик принципи бўйича тузилиши ёзувчига тарийҳчи олим Қасим Сейтназаровнинг кенг фикрлигини, соф виждонлигини, юқори ор-номус эгаси ва меҳрли инсон эканлигини, онинг атрофидагиларнинг ўзига хос индивидуал шахслар эканлигини тасвирлашга ёрдам беради. Сабаби, уларнинг барчаси ўз сўзлари ва ҳикоялари билан ўзларининг характери ўзлари очиб беради. Ёзувчи бу орқали «ўз-ўзини таҳлил қилиш» усулини моҳирона ишлатган ва бу адабиётчи олим

Т.Мотылеванинг: «Қаҳромон ҳикоячи ... – воқеаларни қайтадан яратишда ўларни боқловчи, судья, шу билан бирга жамиятнинг айбловчиси»¹⁹ - деган назарий хулосасининг тўғри эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг **III боб иккинчи фасли «Тарихий романлар композицион хусусиятлари»** деб номланади. Бунда К.Мамбетовнинг «Туркистон» романининг композицион ўзига хослиги тадқиқ қилинган. Асарда бош адабий қаҳрамон Омонликнинг бошидан кечирганлари билан Туркистон худудининг вайрон бўлган ҳолатлари персонажнинг ўтган умр ёдларини га олға, га орқога, га параллель турда тасвирлаш формаси ёрдамида берилган. Роман сюжети икки-уч йўналишда ривожлантирилиб, унда энг дастлаб қарвондагиларнинг кўрган-билганлари, айниқса Омонликнинг эска олишлари, кўз олдига келтиришлари марказий ўрнини эгаллайди. Бу нарса сюжет композициянинг янгича тузилишининг самараси бўлиб ҳисобланади.

«Туркистон» романида Омонликнинг ҳаёлидан ўтказилганлари, тарихий картиналар, асосан, қалмоқлар билан қорақалпоқларнинг ўзаро жанглари кўтилмаган ҳолатлари кенг турда, баъзида ихчам, баъзида қисқа турда тасвирланган ва уларнинг барчаси Омонликнинг ички дунёсида алоҳида трагедик тасвирлар билан берилади.

Романдаги кўпгина ички монологлар салмоқли композицион ва поэтик вазифалар бажариш даражасигача кўтарилган. Асарда бир қанча қаҳрамонларнинг оғзаки ҳикоялари (Омонликнинг қайнотаси Қарғоҳжанинг, йўлда учрашган Айтмурат устанинг ва т.б.) асосий сюжет-композицион марказдан – Омонликнинг уй фикридан ўтказилган.

Романдаги жуда тасирли тасвирланган жойлар – булар кўпинча Омонликнинг бошдан кечирганлари билан унинг уйларига параллель турда олинган Туркистон трагедиясининг аянчли тасвирий кўринишлари композицион жиҳатдан сюжетга ўринли жойлаштирилган. Уларнинг ҳаммаси Омонлик бошлаган қарвон аъзоларининг кўрган-билганларига боғлиқ тасвирланган ва уларнинг хис-туйғулари ёрдами билан гавдалантирилган. «Туркистон» романи композициясининг ўзига хослиги диссертацияда кўп илмий материаллар ёрдами билан тадқиқ қилинган.

Шундай қилиб, XX асрнинг 70-90- йиллари ёриқ кўрган замонавий ва тарихий мавзуга бағишланган романларда янгича композицион ўзига хослик турмуш ҳақиқатини тасвирлашда субъектив-психологик принципнинг кўп жойини эгаллаганлигидан далолат беради. Бул нарса шароит билан қаҳрамонлар образини тасвирлашнинг кенгайишига йўл очиб берди.

Тадқиқотнинг **IV боби «Қарақалпоқ романларида лирик ва лирико-психологик хусусиятлар»** деб номланади. Бу бобнинг «**Лирико-психологик романда поэтик маҳорат»** деб номланган фаслида Ш.Сейтовнинг «Тақдир сўқмоқлари» асарини миллий прозамиздаги энг дастлабки лирико-психологик роман эканлигини бадиий-матнда мисоллар ва илмий-назарий фикрлар асосида далиллашга ҳаракат қилдик. Ишда айтилганидек, прозамиздаги лирико-психологик йўналиш XX асрнинг 60-йилларида нашр

¹⁹ Мотылева З. Зарубежный роман сегодня.

килинган кўпчилик повестьлерда аник кўзга ташланиб, бу нарса Ш.Сейтовнинг «Такдир сўқмоқлари» романида келиб боғланди. Бу нарса кўпчилик адабиётчилар билан китоб якувчилар тарафидан катта кўвонч билан кўтиб олинди, қорақалпоқ прозасининг Москва шаҳридаги муҳокамасида юқори баҳога миёссар бўлган эди²⁰. «Такдир сўқмоқлари» адабиётчилар тилида лирико-психологик роман²¹, - деган жанр номини олди ва илмий муамалага киритилди. Романда сюжет воқеалари билан композициянинг фақат «мен» шаклида тасвирланиши гина эмас, ундаги адабий қаҳрамоннинг руҳий дунёсининг кенг тасвирланиши, агрофдаги айрим инсонларнинг ички дунёсидаги сирларини Мурат номли бош адабий қаҳрамоннинг психологияси орқали, синовли кўз қарашлари элакдан ўтказиб баҳоланиши, унинг ўз-ўзига аналитик боғланиши диққатга лойиқдир. Асосийси, адабий қаҳрамоннинг кўнглининг романтик кайфиятга тўли эканлиги, унинг атроф муҳитнинг воқеа-ҳодисаларни, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка хумор юрак билан баҳолай олиши асарни «лирико-психологик» роман деб баҳолашга асос бўлади. Ёзувчи адабий қаҳрамон ҳис-туйғуларини содда ва оддий тилда баён қилиб қўймасдан, чуқур лиризмга тўла сўзлар билан беради. Бу нарса ишда кўплаган мисоллар билан далиллаб кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам ёзувчи учун ёшларнинг ҳаётда тўғри йўлни танглашга интилишини, орзу-умидлари билан тилақларини, юрак тўла кечинмалари билан муҳаббат туйғусини бадий ижодда тўлиқроқ ва кенгрок тасвирлаш учун худди ўша жанрий-услубий усул зарур бўлган бўлиши керак. Бу зарурият ёзувчини романда 1960 йиллардаги чорва овулининг умумий ҳаёт тирикчилигини, кўплаган муаммоларини кенг турда олиб тасвирлашга ҳаракат қилган. Адабий қаҳрамонлар романда табиатнинг кенг фонида ҳаракат қилади: гўзалликка бурканган табиат кўринишлари, лиризмга, теран тафаккурга эга пейзаж тасвири; уларга Мақсетнинг берган баҳолари; Муроднинг чизган расмлари; жонли романтизм кенг тасвирланган.

Тадқиқот IV боби иккинчи фасли «Қорақалпоқ адабиётида психологик роман ва унинг поэтик ўзига ҳослиги» деб номланиб, унда Ш.Сейтовнинг «Чирокчилар» романи («Умрнинг бир оқшоми ҳақида роман») таҳлил қилинади. Унинг Т.Қайипбергеновнинг «Танҳо ўзинга маълум сир», К.Мамбетовнинг «Туркистон» асарларининг композицион тузилишига яқин эканлиги киёсий-типологик йўналишда далилланган. Тадқиқотда кўрсатилганидек, «Чирокчилар» асари ўзининг мазмуни ва поэтик тузилиши томондан олиб қараганда психологик романнинг жанрий талабига жавоб беради, деб ўйлаймиз. Энг олди билан романнинг баён поэтикаси қаҳрамонларнинг чуқур ўй-фикрлари оқимида қурилгани, сюжет-композицион асоснинг шу аснода бўй тиклаши уни «психологик роман», - деб айтишга асос бўлади. Чунки, романнинг композицион тузилиши ҳам,

²⁰ Кедрина З., Пархоменко М., Холендро И., Камалов Қ., Насруллоева З. ҳам т.б. эдебиятчиларимиздын пикири қараңыз // Омиўдорья. - Ноқис, 1990. -№6. -Б.108-109.

²¹ Бахадьрова С. Роман ҳам даўир. -Ноқис: Қарақалпақстан, 1978. -5 б.; Есенов Ж. Проблема художественного психологизма в современной каракалпакской повести.: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. - Ташкент, 1983; Султанов А. Қарақалпақ прозасында Ш.Айтматовтың поэтикалык дәстүрлери. -Ноқис: Билим, 2007.

қахрамонларнинг диалог билан ички монологлари ҳам, қахрамонларга берилган кўшимча маълумотномалар ҳам теран тафаккур талабларига бўйсундирилган. Чуқур тафаккур бўлса бадий психологизмнинг бош мезони ҳисобланади.

Асарнинг стакчи сюжет йўналиши ҳам муаллифнинг, баён қилувчининг, қахрамонларнинг шу теран тафаккурига қурилган. Роман икки туркман босмачининг олдига солиб келаётган кекса Есжаннинг ички кечирмаларини тасвирлашдан бошланса ҳам кейинроқ шу бир тун ичида мардлик ҳаракатларига, жонталаш картина – урушларига қурилган хатти-ҳаракатлар, оптимистик пафос билан суғорилган трагедик финал билан якунланиши ҳам ўқувчини чуқур ўйга толдирадиган психологик романнинг жанрий табиатига мос келишидан дарак беради.

Йўлда кекса Есжаннинг икки туркман – ОмОн билан Уразлар олдига солиб келмоқда Уларнинг мақсади туркман босқинчиларининг сардори Байрамалига қорақалпоқ овулидан бир ҳадя бериб юбориш. Уч персонажнинг фикри уч хил. Кекса чол Есжан босқинчиларни қандай йўқ қилишни ўйласа, Омон билан Уразлар бошқа ўйларга берилади. Буларни ташқарисидан синчиклаб қараб келаётган Ғарли бўлса ўзининг босқинчилик йўлига қандай тушиб қолганлигини эслаб, ҳаёл денгизига чўмади. Мана шу турли мақсаддаги адабий қахрамоннинг ҳис-туйғулари, хотиралари билан кўз олдига келтиришлари, шу вақтлардаги уларнинг ҳаракатларининг кетма-кет тасвирланиши романнинг асосий сюжет-композицион йўналишини ташкил қилади. Бу нарса романнинг баён қилиш поэтикасида психологизмни кучайтишга сабабчи бўлади. Ёзувчи, айниқса, бунда кекса Есжаннинг ўй-фикрларининг шаклланишига, ундаги қурашувчанлик руҳиятининг секин-аста пайдо бўлиши ва ривожланишига ўзгача эътибор беради. Муаллий уни ўзигача бўлган айрим асарлардагидек яланғоч революцион, социологик йўл бўлган эмас, балки бадий психологизм принципини унумли фойдаланиш орқали табиий турда келтириб чиқаради.

Романда чуқур маъноли, теран фикрли диалоглар кекса Есжаннинг характерини очишга хизмат қилади. Айниқса, асарда ички монологларга кенг фикрлилиқ хос бўлиб, улар адабий қахрамоннинг характерини бадий-психологик йўналишда очишда катта аҳамиятга эга. Роман сюжетининг кўпгина қисми шундай кенгайтирилган ўйлар билан хотира-монологлари, кўз олдига келтиришлари орқали тасвирланган. Булар шунинг билан бирга чуқур маънога эга муаллифлик ўй-кечинмалари, кўшимча маълумотномалар билан ҳам бойитилиб, асарнинг баён қилиш тузилишида психологик тасвирлашнинг ҳиссасини ортга олиб, адабий қахрамонлар характерининг шаклланиши билан ривожланиш эволюциясини очишга хизмат қилган.

Романдаги бадий психологизм билан поэтик маҳоратни такомиллаштириб турган яна бир компонентларнинг бири – бу ёзувчининг бадий деталлардан унумли фойдаланишидир. Хусусан, улар гоҳо жонли хатти-ҳаракат, баъзида предмет сифатида кўриниш, баъзида нутқий-диалог турида алмашиб, улар ҳам бир мақсадга қаратилган гоёвий-эстетик йўналишда

қўлланган. Масалан, Есжан чолнинг боласи Досжаннинг томнинг бошидан ерга сирпаниб туша олмай ўт ичида қолгандаги душман тарафга карата қаттиқ тугилган холинда қора куйикка айланиб қотиб қолган аъзонинг кўриниши шундай хизматни бажаради. Шунингдек, романдаги Есжан чол билан туркман сардори Байрамалининг ўзаро жанжаллашиб, совукда музлаб қолиб, уларнинг мурдаларини «п» ҳарфи типиндаги шаклини тасвирловчи детал ҳам шу тақлидда чуқур маънога эга бўлиши билан асар психологизмини кучайтиришга хизмат қилмоқда²². Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Ш.Сейтовнинг «Чироқчилар» номли асарини қорақалпоқ насридаги психологик романнинг дастлабки намунаси деб ҳисоблаш мумкин. Ш.Сейтовнинг биз айтиб ўтган «Тақдир сўқмоқлари», «Чироқчилар» романлари ўзларининг янгича жанрий-услубий сифатлари ва ҳаёт ҳақиқатини бетакрор усулда очиб бериши билан миллий-реалистик насримиздаги янги йўналишни шакллантиришга хизмат қилди. Шу каби сифатли белгиларни Т.Қайипбергенов, С.Салиев, К.Рахманов, К.Мамбетов, О.Абдирахманов, А.Алиев ва бошқаларнинг баъзи роман – повестларидан ҳам топишимизга бўлади. Уларни биз тадқиқотимизнинг тегишли ўринларида таҳлил қилдик.

Ишнинг якунида хулоса қилувчи илмий-назарий фикрлар ҳам фойдаланилган адабиётларнинг библиографик кўрсаткичи берилган.

²² Бочаров А. Психологизм прозы XIX в. и в творчестве Горького. –М.: Наука, 1968. -36 с.; Шодиев Н.Т. Мастерство психологического анализа Абдуллы Каххара.: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. –Ташкент, 1983.

ХУЛОСА

1970-2000 йиллар давомидаги давр қорақалпоқ миллий романчилиги учун салмоқли босқич бўлди, дейиш мумкин. Негаки, жорий паллада қорақалпоқ адабиёти жаҳон китобхони сари юзланди. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида Т.Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи», «Қорақалпоқ достони», «Кўзнинг қорачиги» «Қорақалпоқнома» асарларини таъкидлаш жоиз. Мавжуд вазият оддий хронологик кўрсаткич эмас, балки рус тилига таржима ёрдамида халқаро миқёсга кўтарилган қорақалпоқ насрининг поэтик салоҳияти ошгани, дунё ўқувчиси эстетик эҳтиёжини тўлдирадиган гоёвий-эстетик ва бадийлик даражасига эришганини далолатлайди. Қорақалпоқ насри, даставвал, кичик жанр, қиссачилик, кейинчалик романнывистликда жиддий юксалиш йўлига ўтди. Ранг-баранг шакллар ва бадий тасвир усуллари кириб келиши воситасида 1960 йилларда бир неча лирик, лиро-психологик қиссаларда қабариб кўринган сифат кўрсаткичи роман жанри тақомилига замин хозирлади.

Албатта, бу жараён миллий адабиётда интеграциялашув ҳодисаси, миллий дунёқараш жаҳон адабиёти ва эстетикаси, фалсафий идроки илғор тажрибасини ўзлаштириш, мавжуд салоҳиятни миллий-адабий анъаналар билан бойитиш, ижодий малака ўсиши даражасига туташади. Агар 1970 йиллар аввалидаёқ Т.Қайипбергенов миллий насрни дунё ўқувчиларига тақдим этган бўлса, мағнавий тадрижи ёзувчи Ш.Сейтов «Халқобод» тетралогияси, «Иқбол сўқмоқлари», «Чироқчилар», «Хавфли бурилиш» романлари, К.Мамбетов «Тўзғинан эл», «Туркистон», «Бўзатов», «Виждон» романларидан ибтидоланади. Адабиётда янгича жанрий-услубий, бадий изланишлар самараси ўларок лиро-психологик, психологик, фантастик романлар вужудга келди. Шунингдек, бадий тизимда роман-эссе, роман-хроника, роман-репортаж, кино-роман, мистик роман бўй кўрсатиши кескин ўзгаришлар ҳосил қилди. Жорий ҳолат миллат эстетик тафаккури ривожланиш палласига кирганлигини амалда далолатлайди.

Миллий романчилик 1970-2000 йиллари тубдан янгиланди. Мавжуд вазият романчиликда ҳар хил ва турфа шаклда: баъзиларида сюжет кенг полотнолиги, халқ турмушикең ўткирлиги билан кескинлиги, айримларида янгича композицион тафовути ва бошқалар орқали кўзга ташланади. Миллий романчиликда биз таҳлил қилган давр ичидаги поэтик янгилликлари ҳақида қуйидагича илмий-назарий хулосага келдик:

1. Миллий романчилик поэтикаси энг дастлаб бутун жаҳон адабиётига мансуб Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», М.Шолоховнинг «Тинч Дон», М.Аўезовнинг «Абай йўли», М.Ойбекнинг «Навоий», Т.Қайипбергеновнинг «Қорақалпоқ достони» роман-трилогияси, роман-эпопеяларидаги каби халқ ҳаётини кенг қамраб олувчи ва унинг турмушидаги муҳим ижтимоий-сиёсий, сиёсий-иқтисодий, маънавий тўнтаришларга аталган кенг эпик сюжетлар Ш.Сейтовнинг «Халқобод», «Хавфли бурилиш», С.Баҳадированинг «Тақдир», А.Садиковнинг «Тошда ҳам гўллайди», К.Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар» асарларида кўзга ташланади. Бундай кўп қатламли

ислохотлар А.Халмуратовнинг «Жаннат боги», С.Исмайлловнинг «Юрак галактикаси» фантастик романларида ҳам кузатилиб, нодир изланишлар миллий тафаккур, ижодий салоҳият тақомилини белгилайди.

2. Ҳозирги замон мавзусига бағишланган романларда конфликтлар кескинлиги анча кучайди. Масалан (Т.Қайипбергеновнинг «Кўзнинг қорачиги», О.Абдирахмановнинг «Бўсоға», К.Мамбетовнинг «Виждон», А.Садиқовнинг «Тошда ҳам гуллайди», К.Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар», К.Раҳмановнинг «Оқибат») романларида замонавий долзарб муаммолар фаоллик билан ўртага ташланади. Уларда конфликтларни тасвирлашдаги кескин драматизм, баъзида комедия билан сатира-юмористик сифатлар синтези кенг турда кўзга ташланади.

3. Конфликтлар кескинлиги тарихий романларда ҳам сезилади. Улар тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантиришда муҳим ўрин эгаллайди (К.Мамбетовнинг «Тўзғиган эл», «Туркистон», «Бўзатов», А.Садиқовнинг «Бўстонсиз булбул», К.Каримовнинг «Оға бий»). Тарихий романлардаги бундай кескин ва ўткир конфликтлар аксар ҳолатларда тарихий ҳақиқатга мос трагедик ҳулоса билан яқунланади.

4. Мустақиллик даври романларида замон, давр ҳақиқатини қўрсатиб беришда янги композицион ўзига хослик кўзга ташланади. Шунинг асосида, уларнинг умумий педагогик шаклларида, қаҳрамонлар характери очиқ беришда ютуқлар қўлга киритилди. Асосийси, қаҳрамонларнинг руҳий дунёси кенг очилди, уларда мушоҳадакорлик кучайди, бу жиҳат, ўз навбатида, роман тасвири жараёнида бадиий психологик ифодалаш тамойили теранлашувига хизмат қилади. (К.Мамбетовнинг «Виждон», «Туркистон», А.Абдиевнинг «Субҳидам арафасида» ва ҳ.б.). Бундай ички композицион ўзига хослик шаклланишида жаҳон бадиий адабиёти тажрибаси таъсири муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ёзувчилар 60-йилларда лиро-психологик йўналишдаги қисса яратишдаги, уларда янгича композиция тузиш бўйича тадқиқот мактаби, айниқса, «Ч.Айтматов мактаби»²³ тажрибаси бадиий-эстетик асос вазифасини ўтайди. Назарий мушоҳадада тўқидланганидек, рус романаписи Ю.Бондаревнинг «Ўйин», Н.Думбадзенин «Мангулик қонуни» асарларидаги композицион изланишлар миллий романапислик учун тажриба майдонига айланди.

5. Роман композициясида янгича изланишлар натижаси ўлароқ субъектив психологик усул етакчи ўринни эгаллаши тарихий романлар ва бош қаҳрамонлар характерига (масалан, К.Мамбетовнинг «Тўзғиган эл», «Туркистон» романларида Исмойил, Тинахмет, Орманбет, Омонликлар эл бошчилари, ақли билан иш юритиб, ўйлаиб иш қўришга мойил инсонлар ҳисобланади. «Виждон» романида Қосим Сейтназаров тарихчи тадқиқотчи катта ва кенг ўй фикр эгаси. Ш.Сейтовнинг «Тағдир сўқмоқлари»идаги Мурод Максадлар ҳам, «Чироқчилар»даги Есжан қария ҳам вазмин, фалсафий фикрлашга мойил инсонлар) боғлиқ бўлиши фақат адабий-эстетик тафаккур

²³ Қайипбергенов Т. Ш. Айтматов ҳақиқида сўз. - Т.Қайипбергенов. Кўзиди қарашығы. Роман. Мақала ҳам интервьюлер. - Нокис: Қарақалпақстап, 1986. -286 б.

эмас, халкимиз ва миллатимиз фаҳм-фаросати олга силжиганлигини кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

6. 1970-80 йиллардаги миллий романчиликда лиро-психологик романлар («Тақдир сўқмоқлари»), («Чироқчилар») вужудга келди. Уларнинг дастлабки намунасида лиризм ва романтик хослик адабий қаҳрамонлар оламни катта эстетик таъсирчанлик билан баҳолай олиш қобилиятини тавсифласа, иккинчисида кенг тафаккур, психо-философик қочиримлар асосий ўринга чиқади, бадиий-тасвир воситалари бўлган диалог, ички монологларнинг поэтик функцияси ошиб, уларга алоҳида фикрлаш малакаси ва эмоционал-экспрессив хусусиятлар сингдирилди. Аввалги романларга нисбатан тафовут ошуви ижодий малака юксалганини далолатлайди.

7. 1970-2000-йиллар қорақалпоқ романчилигида қаҳрамон киёфасини яратиш усулларидан бири сифатида диалоглардан фойдаланиш маҳорати ортди. Диалог энди фақат сўз санъаткорлари томонидан примитив (одагий, акс-садо) мақсад учун (ҳол-аҳвол сўраш ёки вазиятни билиш) эмас, балки қаҳрамон руҳиятини очиш ёхуд тарихий кескин бурилиш паллаларини кўрсатиш, драмматик кескинликни ошириш воситасига айланаёзди.

8. Қорақалпоқ романларида жаҳон адабиётида оммалашган бадиий тасвир воситаларидан бири ички монологлардан фойдаланиш маҳорати ошди. Бу усулни ҳар бир ижодкор ўз ижодий позицияси, асар табиати ва жанрий-услубий изланишлар моҳиятига мувофиқ тарзда табиқ этди. Шу нуқтаи назардан, Т.Қайипбергеновнинг «Кўз қорачиги» романидаги Жақслик Даўлетов ички монологлари руҳий кечинма, ўй-хаёллар тизимини тавсифласа, К.Мамбетов «Виждон», «Тўзгиган эл», «Туркистон» романларида ички монологлар ўзгачаланади. Уларда хотира, ёдга тушириш, ҳатто бутун тарих солномасини монологлар ёрдамида шарҳлаш кузатилади.

Ш.Сейтов эса «Тақдир сўқмоқлари» романида кўпроқ романтик типдаги ички монологлар яратишга майл кўрсатади, «Чироқчилар»да реализмга қоник ички монолог гоҳ қаҳрамон табиати, гоҳ туйғу-сезимини акс эттиради.

9. Табиат манзараси ва жараёнини сувратлайдиган усул пейзаж миллий прозада аввалдан мавжуд бўлса-да, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Табиат эстетикасидан моҳирона фойдаланиш, айниқса, Ш.Сейтовнинг «Иқбол сўқмоқлари» романида кўзга ташланади. Романда манзара асар лиро-психологик услубига мослашиб, рамзий-метафорик тафаккур босимини ҳосил қилади. К.Мамбетов табиат тасвири орқали тарихий ўтмиш манзараларини гоҳ маҳзун, гоҳ эзгин қайфиятни қайта тиклайди. Т.Қайипбергенов «Кўз қорачиги» романида чанг-тўзон ва саҳро ҳолати китобхонни оғир ҳаёлларга толдиради.

10. Адабий қаҳрамон портретини яратишда 1970-2000-йиллар қорақалпоқ романчилиги жиддий ютуқларга эришди. Адабий портрет чизиш илгари кузатилганидек, оддий тарзда кечмай, унга салмоқли сюжет ва конфликт юқини ортиш тажрибасини ўзлаштирди. Шунингдек, адабий портрет роман тасвирлаш поэтикасида, композициясида муҳим ўрин эгаллади. Адабий киёфа суврати давр руҳияти, ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш, тарихий колоритни ёритиш

омилига айланаёзди. Бирок баъзан ёзувчиларимиз одатий андозалардан кутула олмай, камчиликларга ҳам йўл қўяди. Хусусан, К.Мамбетовтың «Тўзгиган эл» романида Қозон хони Жаналий, «Туркистон» да Бухоро амири тасвирида шу ҳолат сезилади.

11. Адабий қаҳрамон хатти-харақатлари, мимикасига поэтик функция юклаш 1980-йиллардаги К.Мамбетов тарихий романлари поэтикаси характерли белгиларидан бири ҳисобланади. Т.Қайилбергенов, Ш.Сейтов, О.Абдирахманов, К.Алламбергенов, А.Абдиевлер эса қаҳрамон психологик ҳолатини муайян вазиятда очиб беришга интилади.

12. Адабий қаҳрамонларнинг бир-бирига, муаллифнинг қаҳрамонга ёзган мактублари бадий тасвир воситаси сифатида 1970-2000 йиллар романчилигида салмоқли ўрин тутди. Жаҳон адабиётида бой аъёналарга эга усул қорақалпоқ адабиётида ҳам унумли фойдаланилди. Ш.Сейтовнинг «Иқбол сўқмоқлари» романи ёзувчининг ўқувчига хати орқали очилади. Адабий қаҳрамоннинг адабий персонажга (Дилоромнинг Максетга хати) мактуби билан яқунланади. К.Мамбетовнинг «Тўзгиган эл» романида хат ёки «нома»лар («послание»лар) тарихий ҳужжат сифатида қўлланилади, у сюжет ва конфликтни боғловчи халқа вазифасини бажаради.

13. 1970-2000-йилларда қорақалпоқ романчилигида ривож техникасида, бадий тилда янгиликлар кўзга ташланади. Жорий ҳолат у ёки бу тасвир усулларидан самарали фойдаланишдан иборат бўлмай, умумий тасвир микёсига лирик бўёқдорликни сингдиришда намоён бўлади. Ш.Сейтовнинг «Иқбол сўқмоқлари» романида лиро-психологик моҳият, теран лиризм, романтик кайфият сингдирилган. 1980-йиллари ва 1990-йиллар аввалида нашр қилинган К.Мамбетовнинг «Тўзгиган эл» («Бошбошдоқлик», «Тўполон»), «Туркистон» романларида эса бадий хусусиятлар асар характерли хусусиятига айланади, сажъ санъати имконияти тасвирини қуюқлаштиради.

Умуман, жорий босқич қорақалпоқ романчилиги поэтик жиҳатдан анча юксалиб, шаклий ва мазмун жиҳатдан бойиб борди ҳамда илғор жаҳон насри аъёналарини ўзлаштиришга интилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019 Fil.20.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ БЕРДАХА**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НУРЖАНОВ ПЕРДЕБАЙ ЕРЖАНОВИЧ

**ПОЭТИКА КАРАКАЛПАКСКОГО РОМАНА.
СЮЖЕТ И КОМПОЗИЦИЯ
(1970-2000 гг)**

10.00.12 – каракалпакская литература

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук
(Doktor of Science)

Нукус-2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Национальная идеология, закладка основ правового и демократического государства, независимость, которая стала большой победой нашего народа на сегодняшний день, была завоевана в условиях трудной и противоречивой борьбы. Сегодняшнее общество, установленное благодаря трудным и назидательным делам наших предков, по своим генетическим корням связаны с многовековыми мечтами тюркоязычных народов о свободе, демократии, независимости и их активными движениями на этом пути. В пропаганде данной действительности среди всего народа, особенно среди подрастающего молодого поколения, большое значение имеет литература. Поэтому в последнее время особое внимание уделяется на воспитательное значение литературы свободно мыслящего, всесторонне развитого молодого поколения. Так как, «создание нового поколения высокохудожественной просветительской литературы, которые будут служить расширению мировоззрения, развитию интеллектуального уровня молодежи»²⁴ послужат умственному и духовному совершенству каждого человека, духовному очищению общества. Значение художественной литературы в духовном росте народа можно увидеть на примере жанра романа в литературе.

Особенно, быстрый темп роста всей художественно-реалистической прозы 70-90-годов XX века имело большое значение в появлении нового настроения в жизни народа, в способности естественного понимания жизненной правды, в формировании свободно мыслящего читателя. Так как романы, занимавшие особое место в литературе, выполняли важную функцию в правдивом изображении жизненной реальности, жизни каракалпаков, духовного мира человека. В эти годы, ранее отстававшая в своем развитии художественная проза, стала ведущим направлением национально-реалистической литературы. А ее самая большая форма роман достигает высокого уровня развития. Они были замечены не только идейно-тематическим своеобразием, но и новыми жанрово-стилевыми качествами, многообразием форм, мастерством применения художественно литературных приемов. Вот, такими художественными особенностями в этот период он был удостоен выхода на Всесоюзную арену, даже в поприще мировой литературы. Для подтверждения нашего мнения можем назвать историческую трилогию «Қарақалпақ дәстаны» («Дастан о каракалпаках») писателя Героя писателя Т.Кайыпбергенова. Через некоторое время в этом направлении появились тетралогия Ш.Сейтова «Халкабад», трилогия К.Мамбетова «Поскан ел» («Разоренный народ». Публикация тетралогии К.Каримова «Аға бий» («Агабий») стала важным событием в годы независимости.

Кроме них в этот период были опубликованы очень много новых, заинтересовавших читателей произведений. Мы имеем ввиду романы

²⁴Распоряжение Президента Республики Узбекистан "О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения" // «Халқ сўзи». - Ташкент, 2017 год, 13 января.

талантливых представителей национальной художественной прозы, таких как Ш.Сейтов, С.Салиев, А.Пахратдинов, К.Мамбетов, С.Бахадирова, О.Абдирахманов, А.Садықов, К.Рахманов, К.Алламбергенев, С.Исмаилов, А.Абдиев и др. Их произведения заслуживают внимания не только с точки зрения содержания, но и художественными, жанрово-стилевыми особенностями. Все они сыграли большую роль в развитии мастерства и поэтического разнообразия национальной прозы. Такие особенности заметно ощущаются и в романах на историческую тему, тему современности.

Ценные произведения, появившиеся благодаря всем этим общественно-политическим изменениям, духовным преобразованиям, стремлением наших писателей в последнее время к изучению передовых мировых опытов романистов, еще раз доказывают актуальность исследуемой проблемы.

Данная научная работа в определенной степени служит для реализации задач, обозначенных в распоряжении Президента «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, в указе Президента УП - 4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, в постановлении ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, в постановлении Президента ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий республики «Формирование инновационной экономики, культурного и духовно-морального развития демократического и правового общества».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

Исследованиями по истории романа, теории и поэтике занимаются филологи многих ведущих научных центров и высших учебных заведений, в их числе University of Indiana, University of Michigan, University Columbia (USA), Istanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi (Turkiye), Universität Humboldt, Universität Bonn, Universität Frie (Germany), Central Asian Studies Institute, Paris University (France), Cambridge University (Great Britain), Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет (Российская Федерация), Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Узбекистан).

² www.tdk.gov; www.shosh.uz; www.orient.spbu.ru; www.ceu.edu; www.u-szeged.hu; www.utexas.edu; www.berkeley.edu; www.northwestern.edu; www.bu.edu; www.ecu.edu.au; www.unice.fr/en; www.u-bordeaux.com; www.lang.ox.ac.uk; www.english.pku.edu.cn; www.sophia.ac.jp/eng; www.u-tokio.ac.jp; www.bsu.az; www.msu.ru; www.bashedu.ru; www.kaznu.kz; www.navoiy-uni.uz.

В мировом литературоведении по поводу проблем факторов формирования, тенденции развития и поэтики жанра романа, в частности, достигнуты следующие научные результаты: появление первых романов основаны в общих чертах в литературном процессе конца XIX века и начала XX веков (Cambrige University); определено, что появление, развитие национального романа связано с влиянием арабской, татарской, башкирской и русской литературы (Istanbul Üniversitesi, Central Asian Studies Institute, Paris University, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти); жанровая эволюция, тема, художественный метод, язык, стилевые особенности, положительный герой и вопросы художественного мастерства романов, появившихся да 70 годов XX века обоснованы в контексте литературного процесса (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы, Институт узбекского языка, литературы и фольклора); определены философские основы художественного времени и научно-теоретически исследованы вопросы хронотопа в романе (Московский государственный университет, Universität Humboldt, Universität Bonn);

В мировой романистике последних десятилетий XX века и XXI века по поэтике романов ведутся исследования по следующим ведущим направлениям: определение особенностей развития жанра; обоснование на основе концептуальных подходов построения сюжетов и сущности системы выразительных средств. Следовательно, в мировом литературоведении существует необходимость научно-теоретического обобщения проблемы поэтики романа в контексте литературного процесса. Научно-теоретические опыты романистики XX-XXI веков, достижения литературно-эстетических школ дают возможность определения особенностей творческих концепции поэтики национальных романов, методов изображения, сюжет-композиции, системы персонажей, форм, стиля.

Степень изученности проблемы.

Большое значение имеют взгляды Восточных и Западных мыслителей таких как Аристотель, Г.Гегель, В.Г.Белинский о поэтике и теории жанра романа.

Еще в 50-70 годы XX века русскими учеными как А.Н.Веселовский, Ю.В.Лотман, В.Ветловская, М.Бахтин, В.Виноградов, Д.С.Лихачев, Н.Рымарь, А.П.Чудаков, В.Г.Одинокоев, Э.А.Бальбуев, Н.В.Драгомирецкая, Ю.Барабаш, В.Е.Хализев²⁵ были исследованы в лингвистическом и

²⁵ ²⁵ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. –М.: Наука, 1989; Лотман Ю.В. В школе поэтического слова: Пушкин, Лермонтов, Гоголь. –М., 1981; Ветловская В. Поэтика романа «Братья Карамазовы». –Ленинград, 1977; Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. –М., 1972; 3-изд. Виноградов В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М., 1963; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. –М., 1967; Рымарь Н. Введение в теорию романа. –Воронеж, 1989; Рымарь Н., Скобелов В.П. Теория и проблема художественной деятельности. –Воронеж, 1994; Чудаков А.П. Поэтика Чехова. –М., 1971; Чудаков А.П. Слово- вещь – мир. От Пушкина до Толстого. Очерки поэтики русских классиков. –М., 1992; Одинокоев В.Г. Проблемы поэтики и типологии русского романа XIX века. –Новосибирск, 1971; Бальбуев Э.А. Поэтика лирической прозы (1960-1970-е годы). Новосибирск, 1985; Хализев В.Е. Теория литературы. –М., 1999; Шаталов С.Е. Проблемы поэтики И.С.Тургенева. –М.: Просвещение, 1969; Драгомирецкая Н.В. Автор и герой в русской литературе XIX-XX вв. –М.: Наука, 1991; Гей Н.К. Проза Пушкина. Поэтика повествования.

литературоведческом аспекте исследованы поэтика и теория романа. Выпущены сборники по вопросам поэтики²⁶. А в настоящее время под термином поэтика понимаются вопросы художественности и художественного мастерства.

Если опираться на современное состояние литературоведения, то поэтика охватывает более широкое и богатое содержание чем художественное мастерство. Также поэтика включает в себя основные жанрово-стилистические направления и течения литературного процесса, эстетичность внутренней структуры художественного произведения, сюжетно-композиционное построение, особенности конфликтов, основные особенности языкового мастерства.

Кроме этого в литературоведении тюркоязычных народов рассматривались вопросы поэтики, выпускались научные труды²⁷. Нужно отметить, что каракалпакские литературоведы тоже создали весомые труды в этом направлении²⁸.

Но, авторы этих трудов ставили перед собой цель решения других вопросов, поэтому поэтика художественной прозы, в том числе каракалпакского романа, не рассматривалась специально. К тому же романы, которые мы хотим рассмотреть не были объектом исследования. Не секрет, что многие вышеуказанные труды каракалпакских ученых появились уже давно и авторы при анализе и оценке художественной литературы руководствовались принципами коммунистической идеологии. С этой точки зрения, мы считаем, что каракалпакская проза 1970-90 годов и поэтика

–М.: Наука, 1989; Старцева А.М. Поэтика современной советской прозы. –Ташкент: Фан, 1984; Барабан Ю. Вопросы эстетики и поэтики. –М.: Современник, 1983.

²⁶ Историческая поэтика. Литературные эпохи и типы художественного познания. Редактор П.А.Гринцер. – М., 1994; Ҳозирги адабий жараён: Таҳлил ва талқин. Т. 2005.

